

ТАРЖИМА СТРАТЕГИЯЛАРИ ВА ЭКВИВАЛЕНТЛИК

Файзиева Азиза Анваровна

*Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси катта ўқитувчиси
Бухоро давлат университети*

Аннотация: *Мазкур мақолада таржима жараёнларида қўлланиладиган стратегиялар ва эквивалентлик масаласи ёритилган. Таржиманинг сўзма-сўз, семантик ва коммуникатив стратегиялари таржима қилинаётган матн туридан келиб чиқиб, махсус таржима усулларини тақозо этиши кўриб ўтилган.*

Калит сўзлар: *таржима, стратегия, эквивалент, эквивалентлик, семантик, коммуникатив, муқобиллик.*

Таржима жараёнида лингвистик воситалар, усуллар, стратегиялар ва техникаларни танлаш таржима назариясининг асосий масалаларидан биридир. Таржима стратегияларини тадқиқ қилишда турли хил ёндашувлар, таржима стратегиялари типологияларининг терминологик хилма-хиллиги, шунингдек, когнитив таржима жараёнларини тадқиқ этиш билан боғлиқ қийинчиликлар таржима тадқиқотларида бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Таржимашуносликда таржимон қўллайдиган усуллар ва унинг таржима жараёнида чиқарадиган қарорларини таснифлаш учун бир қатор атамалар тақдим этилган: таржима усули, таржима процедуралари, таржима техникаси, таржима тактикаси ва таржима операциялари шулар жумласидан бўлиб, булар тақлиф этилган атамалардан бир нечтаси, холос.

Таржима жараёни камида икки босқични ўз ичига олади: аввало, аслият матнини тушуниш ва кейинги босқич – таржима вариантини танлаш. Таржима назарияси аслият матнидан таржима матнига ўтишда таржимон ҳаракатлари учун қандай доимий қолиплар асос бўлишини аниқлашга ҳаракат қилади. Т.А. Фесенко фикрича, таржима жараёни индивидуал психосемиотик характерологиянинг энг кенг контекстида таржимон индивидуал когнитив ва лингвистик тузилмаларига хос ўзаро таъсир сифатида қаралади. Таржима жараёни концептуал, ижтимоий-маданий, лингвистик, матн ва коммуникатив константалар билан белгиланади. Таржимонга юклатилган вазифа таржимада вербал шаклларнинг эмас, балки концептлар ортида турган семантик кодларни шарҳлашдан иборатдир[1, 133]. Демак, таржимон олдида турган вазифа аслият манбанинг концептуал дастурини таҳлил қилиб, таржима матнининг концептуал дастури муаллифига айланишдан иборат. Таржиманинг аслият даражасида чиқиши ҳамда муваффақиятли мулоқот яралиши таржимоннинг таржима стратегияси ёки таржима усул(метод)идан фойдаланган ҳолда таржима бирликларини тўғри етказа олиши орқали амалга ошади.

Т.А.Казакова таржима стратегиялари (усуллари) сифатида сўзма-сўз, семантик ва коммуникатив таржима усуллари келтириб ўтади [2, 102].

Семантик таржима стратегияси аслият матни компонентларининг контекстуал маъноси таржима тили бирликлари билан максимал даражада яқинлигига асосланади. Мазкур стратегия, одатда, юқори ижтимоий ва маданий мавқега эга матнлар, шу жумладан, муҳим тарихий ҳужжатлар, мумтоз адабиёт ва ноёб эпос намуналари, шунингдек, ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар, техник қўлланмалар ва илмий нашрлар таржимасида қўлланилади.

Коммуникатив таржима стратегияси манба матнини шундай етказишни назарда тутадик, бунда таржима матнининг ўқувчига прагматик таъсири аслият манбаси билан адекват муносабатда бўлади. Бадиий адабиёт ва журналистик нашр намуналарининг аксарияти, назарий ва илмий-оммабоп матнлар таржимасида қисман мазкур стратегиядан фойдаланилади.

С. Виагго семантик ва коммуникатив стратегиялар бир-биридан фарқ қилмайди, балки таржима жараёнида маълум этапда қабул қилинадиган фарқли қарорлар, деб таъкидлайди [3].

Таржимага берилган аксарият таърифларда таржимадаги эквивалентлик (муқобиллик) мезони у ёки бу шаклда пайдо бўлади. Матн мазмунини етказишда ва муаллиф услубини сақлашда, энг асосийси, саналган аниқлик мезони Е.Долэ ва А.Тайтлер томонидан ҳам таъкидланган. Шунингдек, эквивалентлик принцигига тўла риоя қилишнинг иложи йўқлиги аниқ бўлгани ҳолда, таржимада бирор нарса “қурбон” қилиниши муқаррар ҳолат. Жером биринчилардан бўлиб таржиманинг ушбу муаммосини, ифода ва мазмун планидаги дилеммани изоҳлади.

В. фон Гумбольдт ғояларига асосланиб, таржима қилинмаслик назарияси шакллантирилди. Ушбу назария тарафдорлари тиллар ўртасидаги лексик ва грамматик тафовутлар таржима жараёнида тўсиқ бўлишини келтириб ўтишади. Таржима қилинмаслик назарияси таржима амалиётига таъсир қилмаган бўлса-да, бир аср ўтгачгина “тафовутлар мавжуд ҳолда эквивалентлик” тамойилини шакллантирган Р.Якобсон тадқиқотида илмий раддия олди [4].

Бироқ Р.Якобсоннинг ишларида концептуал метафоралар таржимасида қўл келиши мумкин бўлган таржиманинг маданий ва прагматик муаммолари кўриб чиқилмади. Метафорик моделларни ҳосил бўлиш усуллари, уларнинг концептуаллашуви ва коннотатив хусусиятларининг барчаси таржима вариантларида турли даражадаги эквивалентликка эга.

"Эквивалентлик" атамаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади, лекин биз мазкур тадқиқотда эквивалентлик назариясига оид қуйидаги муҳим фикрларни қайд этамиз:

Ю.Найда ва Ч.Табер томонидан таклиф этилган нисбий (формал) ва динамик эквивалентлик турларнинг ўзаро қарама-қарши қўйилиши таржимон томонидан таржима қилинаётган матннинг юзаки ёки чуқур даражасининг

устуворлигини танлаш заруриятини акс эттиради. Ю.Найда нисбий муқобилликнинг ҳам ўз ўрнига эга эканлигини таъкидласа ҳам, таржимада муқобил шаклдан кўра, муқобил реакция уйғотадиган динамик эквивалентликни устун кўяди.

Функционал эквивалентликнинг барча тегишли турларини қамраб оладиган тўлиқ эквивалентлик таржиманинг энг идеал конструкциясидир. Матн таржимасида тўла муқобилликка эришиш қийин, бироқ бундай эквивалентлик ҳақиқатда умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин эмас. Тўлиқ эквивалентлик, асосан, нисбатан тор функционал хусусиятларга эга бўлган матнларда нисбатан содда коммуникатив шароитларда кузатилади. Тиллараро таржима даражасида, одатда, код бирликлари ўртасида тўлиқ эквивалентлик мавжуд эмас, аммо улар ишлатиладиган хабарлар хорижий код бирликлари ёки бутун хабарларнинг адекват талқини бўлиб хизмат қилиши мумкин [5].

М.Бейкер томонидан таклиф этилган эквивалентлик [6] тилнинг лингвистик ва коммуникатив вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бир неча турларга бўлинди. Булар –

1. Сўз ва сўздан юқори даражадаги муқобиллик. Бунда таржимон матннинг энг кичик бирлиги сўзнинг таржимасига эътибор қаратади, чунки бир тилда мавжуд бўлган сўз бошқа тилда мавжуд бўлмаслиги мумкин ёки сўзларнинг род, сон, замон категорияларидаги тафовутлар инобатга олинади.

2. Грамматик муқобиллик. Бунда тиллараро грамматик категориялардаги фарқлар маълум вазиятларда манбада келтирилган ғоя мазмунига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

3. Матний муқобиллик бу аслият ва таржима матнининг маълумот ва уйғунлик жиҳатдан бир-бирига муқобил бўлиши. Таржимон матннинг изчиллиги ва мазмунан уйғунлигини сақлаш ёки унга ўзгартириш киритиш бўйича қарор қабул қилишда уч асосий омилга – таржима матни рецепиенти, таржима мақсади ва матн турига эътибор қаратади.

4. Прагматик муқобиллик деганда таржима жараёнида имплицит маънолар ва уларни четлаб ўтиш стратегияларига ишора қилади. Шунинг учун таржимон аслият манбаи ғоясини етказиш учун таржимада назарда тутилган маъноларни етказиш усулларини қўллаши керак. Таржимоннинг роли муаллиф ниятини бошқа маданиятда ўқувчига аниқ тушуниш имконини берадиган тарзда қайта яратишдир.

Хулоса қилиб айтганда, таржима бир тилдан бошқа тилда матнни қайта яратиш экан, таржима қилинаётган тилда прагматик муқобиллик яратиш таржимон томонидан танланган таржима стратегияларига бевосита боғлиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Фесенко Т.А. Специфика национального культурного пространства в зеркале перевода. – Тамбов: Изд-во ТГУ, 2002. – С.133.
2. Казакова Т.А. Практические основы перевода. English ↔ Russian. - Серия: Изучаем иностранные языки.– СПб.: «Издательство Союз», 2001. – С.102.
3. Viaggio S. Contesting Peter Newmark. – 1992. – 60 p.
4. *Якобсон Р.* О лингвистических аспектах перевода // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М., 1978. – 232 с.
5. *Швейцер А.Д.* Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 215 с.
6. Baker M. In Other Words: A Coursebook on Translation. – L. and N.Y.: Routledge, 1992.
7. Qosimova, N. (2021). Tarjima jarayonida diskurs tahlilining roli . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2164
8. N. F., K. (2021). COGNITIVE APPROACH TO TEACHING TRANSLATION. Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences, 42–44.
9. Zokirova, N. (2022). МЕТАПОЗНАНИЕ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА МЕТАКОГНИТИВНЫЕ СПОСОБНОСТИ В ПЕРЕВОДЕ . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 22(22). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8056
10. Ruziyeva Nilufar Xafizovna, & Axmedova Shahnoza Murodilloyevna. (2022). Interpretation of the Concepts of Linguoculturology. Eurasian Research Bulletin, 8, 36–38. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1480>
11. Rabiyeva M. Difficulties of Differentiating Euphemisms and Dysphemisms //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 127-132.
12. Rabiyeva, M. G. (2022). Dysphemism or Euphemism ?. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(6), 61-65.
13. Sirojova, Z. (2022). Functional Study of Syntactical Relations of Compound Sentences in Uzbek Linguistics. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 22(22). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8069
14. Chorikulovna, M. Y. (2022). Syntactic and semantic analysis of word combinations in the English and Uzbek languages. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 2(5), 199-206.

15. Xaydarova, L. (2022). THE IMPORTANCE OF THE USAGE OF INTERACTIVE METHODS WHILE DEVELOPING READING SKILLS OF YOUNG LEARNERS. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5778
16. Shakhnoza, T. . (2022). Expression of Averbale Sentence in Uzbek and French. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT, 2(5), 133–138.
17. Subxonova, M. (2022). LINGVOMADANIY BIRLIKLARNING DOSTLIK HAQIDAGI INGLIZ VA O'ZBEK MAQOLLARIDA IFODALANISHI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 23(23). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8213
18. Salikhova N. N. Interjections in the Contexts of Uzbek and English Languages //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2022. – Т. 18.
- Ubaydullayeva, D. (2022). THE PROBLEMS IN COMPREHENSION OF ENGLISH MORPHOLOGY IN THE PROCESS OF secOND LANGUAGE ACQUISITION . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 23(23). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8179
20. Файзиева, Азиза Анваровна. "ОРИЕНТАЦИОН КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ." In INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION", vol. 1, no. 4, pp. 26-29. 2022.
21. Sirojova, Z. (2022). Functional Study of Syntactical Relations of Compound Sentences in Uzbek Linguistics. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 22(22). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8069
22. Fayziyeva, Aziza. "LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURES OF THE WORLD." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz) 10, no. 10 (2022).
23. Файзиева, Азиза Анваровна. "МЕТАФОРА ТАРЖИМАСИГА ТУРЛИ QARASHLAR: Fayziyeva Aziza Anvarovna, Tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrası o'qituvchisi, Vuxoro davlat universiteti." Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал 6.2. Махсус сон (2022): 36-40.
24. Anvarovna, Fayziyeva Aziza. "On Features of Discourse and Its Representation in Self-Help Literature." (2022).
25. Baxtiyorovna, I. F. (2022). Sources of Linguocultures and Linguoculturological Field. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(6), 56-60. Retrieved from <https://cajipc.centralasianstudies.org/index.php/CAJLPC/article/view/379>
26. Zokirovna, Olimova Dilfuza. "GENERAL CONCEPT OF COGNITIVE MECHANISMS." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.12 (2022): 735-740.

27. Radjabov, R. (2023). Орфография НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ОРФОГРАФИИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА: теоретические взгляды ученых на орфографию. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 27(27).

28. Radjabov, R. (2023). ACCENTS ET MARQUES ORTHOGRAPHIQUES EN FRANÇAIS. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

29. Radjabov, R. (2023). A PROPOS DU CONCEPT D'ORTHOGRAPHE FRANÇAISE. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

